



# O'zbekiston Ovozi

№15  
2026-yil  
15-aprel, chorshanba  
1918-yil  
21-iyundan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston\_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

## ВОДИЙ ДАРВОЗАСИ, ГУЛЛАР ДИЁРИ БЎЙЛАБ...

Республика  
Маънавият ва маърифат  
маркази, "Маърифат"  
тарғиботчилари жамияти  
аъзоларининг бир гуруҳи  
сўлим водий бўйлаб  
"Маънавият карвони"  
тадбирларида иштирок  
этдик. Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган ёшлар  
мураббийси, тарих  
фанлари доктори,  
профессор Абдухалил  
Маврулов раҳбарлигидаги  
тарғибот гуруҳимиз баҳор  
кўёши нур сочган тонгда  
Наманганнинг Тўрақўрғон  
туманига кириб бордик.



► (Давоми 7-бетда)



ПАРЛАМЕНТДА

## Муҳим масалалар қизғин муҳокама этилди

Коррупция жамиятни ичидан емиради, унинг  
ривожланишига катта тўсиқ бўлади. Адолат  
тамоилларини бузади. Инсон меҳнати, билими ва  
салоҳиятига қараб эмас, балки таниш-билиш ёки  
пул орқали имкониятларга эга бўлса, бу жамиятда  
тенгсизликни кучайтиради. Фуқароларнинг давлатга,  
қонунларга бўлган ишончи сусаяди. Шунинг учун  
коррупцияга қарши жиддий курашиш давлат ва  
жамиятнинг, ҳар бир соф виждонли инсоннинг бурчи  
ва вазифаси.

► (Давоми 2-бетда)

### АПРЕЛЬ – АМИР ТЕМУР ОЙЛИГИ



## ТЕМУРИЙЛАР РЕНЕССАНСИ – ХАЛҚИМИЗ УЧУН ИШОНЧ, ИЛҲОМ ВА КУЧ-ҒАЙРАТ МАНБАИ

XIV асрда, ғоят мураккаб бир даврда Мовароуннаҳрни  
ягона давлат сифатида бирлаштириб, Иккинчи уйғониш даври  
– темурийлар Ренессансига асос солган буюк тарихий шахс –  
Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги тантаналари юртимиз  
бўйлаб давом этмоқда. Зотан, давлат раҳбарининг жорий йил  
5 февралдаги тегишли қарори билан ҳар йили апрель ойи  
"Амир Темур ойлиги" деб эълон қилингани ва унинг доирасида  
республикамиз таълим муассасаларида, илмий марказлар ва  
маҳаллаларда темуршунос олимлар, ёзувчи ва санъаткорлар  
иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа маърифий  
тадбирлар ўтказилаётгани, айниқса, ёш авлоднинг шонли  
тарихимиз билан юзлаштириб, аждоқларимиз қолдирган  
бебаҳо меросни ўрганишига, асраб-авайлашга ундамоқда.

9 апрель – Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун ўзгача  
шукуҳда, катта шодийна билан нишонланганидан хабарингиз бор.  
Шу кун Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Амир Темур  
хиёбонида ташриф буюриб, улуғ аждоқимиз ҳайкали пойига гулчамбар  
қўйди. Реконструкция қилиниб, янада муҳташамлик касб этган  
Темурийлар тарихи давлат музейида бўлди.

► (Давоми 3-бетда)

### ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ЁРУҒЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛДИР

Кексалик – умрнинг донишмандлик фасли. Энг  
катта мураббий – ҳаёт мактабида йиллар давомида  
тўпланган тажрибалар, теранлашган қарашлар,  
босиқлик ва сермулоҳазалилик хислатларига эга ёши  
улуғ инсонларни ҳамиша эъзозлаб, уларга эҳтиром  
кўрсатамиз. Оилада табарруқ ёшдаги ота-онага  
яхшилик қилиш, хизматларидан малолланмаслик  
ҳам ибодат каби улуғ иш эканини фарзандларимизга  
ўқтираемиз. Оилани нечоғлик муқаддас санасак,  
унинг устун бўлган қарияларимизни шунчалик  
қадраймиз, азиз деб биламиз.

Бироқ глобаллашётган дунёнинг бир бўлаги сифатида  
жамиятимиз маънавий ҳаётида ютуқлар билан бир қаторда  
салбий оғишлар кузатилаётганини, яъни тонгни уч авлод  
вакиллари бир дастурхон атрофида қаршилашдек одатлар,  
самимий ришталар йўқолаётган оилалар борлигини инкор  
қилмаймиз. Қолаверса, тақдирлар турфа хил: қайсидир  
сабаблар билан умр шомида ёлғиз қолиш қисматида рўбарў  
келаётган кексалар ҳам бор.

Хўш, юртимизда бундай эҳтиёжманд инсонларнинг  
манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш тизимида  
қандай янгиликларни кузатишимиз мумкин?  
– Бугунга келиб дунё миқёсида ижтимоий ҳимоя  
тизими инсонга йўналтирилган янги босқичга кўтарилди,  
– дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бўлим  
бошлиғи Ф. Назаров. – Илгари ижтимоий хизматлар  
асосан институционал шаклда Мурувват уйлари, мажсус  
муассасалар ва доимий парварिश уйлари орқали амалга  
оширилган бўлса, бугунги кунда устувор йўналиш сифатида  
инсонни ўз яшаш муҳитида қўллаб-қувватлаш концепцияси  
шаклланимоқда. Бу ўзгаришлар тасодифий эмас, балки  
демографик, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсирида  
юзага келган тизимли эволюция натижасидир.

► (Давоми 3-бетда)

## ЎЗХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ҚАНЧАЛИК ФАОЛ?

Халқ депутатлари маҳаллий  
Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва  
депутатларнинг халқ ҳаётига яқинлиги  
уларга катта имкониятларни беради.  
Яъни бевосита одамлар орасида фаолият  
юритади, аҳоли билан ҳамнафас ишлайди.  
Шунинг учун ҳам улар ҳар бир шаҳар ва  
қишлоқда, умуман, ҳудудларда қайси  
муаммолар одамларни ўйлантираётганини  
яхши биладилар.

► (Давоми 4-бетда)



ТАҲЛИЛ

### СЎЗ – ЎЗХДП ЕТАКЧИЛАРИГА!

## КУЮНЧАКЛИК БОР ЖОЙДА ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ



5

### ҲАМКОРИМИЗ


## "МЕНИНГ ТОМОРҚАМ" – ИННОВАЦИОН ПЛАТФОРМА



6

### ТАРИХ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

## ЎТМИШДА ҚОЛГАН ХАТАР



8

## ПАРЛАМЕНТДА

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик ва жазо чораларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу йўналишдаги қонун лойиҳаси кеча бўлиб ўтган парламент қўйи палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилди. Коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтиришга қаратилган мазкур қонун лойиҳасини депутатлар иккинчи ўқишда муҳокама қилишди.

Унга кўра, ёшларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришни ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаш таклиф этиляпти.

Хусусан, Жиноят кодексининг саккизинчи бўлими коррупцияга оид жиноятлар атамаси билан тўлдирилиб, у билан 19 турдаги жиноий қилмишлар коррупцияга оид жиноятлар ҳисобланиши белгиланмоқда.

Коррупция ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш мақсадида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиришлар киритилмоқда.

Жиноят кодекси эса ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик, фирибгарлик учун ҳукм қилинган ва жиноят туфайли

етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопламаган шахс жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинмаслигини назарда тутувчи норма билан тўлдирилмоқда.

Худди шундай қоида такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд жуда кўп миқдорда пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгиланяпти.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш ва фирибгарлик ҳаракатларини мансаб мавқеини суиистемол қилиш йўли билан ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиш жинояти учун ҳам жавобгарлик чоралари оғирлаштирилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## ОДАМЛАР СУҒУРТА БЎЙИЧА ОЧИҚ ВА КЕНГРОҚ АХБОРОТ ОЛИШИ МУМКИН

Қўйи палата мажлисида тадбиркорлар ва аҳолининг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш ҳамда суғурта хизматларини кенг оммалаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилдики, ушбу қонун лойиҳаси билан "Реклама тўғрисида"ги қонунга суғурта саводхонлигини оширишга қаратилган ахборотни ижтимоий ахборот этиб белгилаш назарда тутилмоқда. Ваколатли давлат

ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ САККИЗИНЧИ БЎЛИМИ КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР АТАМАСИ БИЛАН ТЎЛДИРИЛИБ, У БИЛАН 19 ТУРДАГИ ЖИНОИЙ ҚИЛМИШЛАР КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР ҲИСОБЛАНИШИ БЕЛГИЛАНМОҚДА.

органлари ижтимоий ахборотнинг реклама берувчилари сифатида белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси қўйи палатанинг шу йил 31 март куни бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда қабул қилиниб, унинг иккинчи ўқишга тайёрланган таҳрири юзасидан айрим эътирозлар билдирилган эди.

Ўтган вақт давомида қўмита томонидан юридик техника талабларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил ўтказилди. Унда таклиф этилган айрим ўзгартиришлар лойиҳа моддалари мазмунига таъсир қилиши мумкинлиги инobatта олиниб, ташаббускор томонидан киритилган таҳрир мақсадга мувофиқ, деб топилди. Мазкур қонун лойиҳаси, энг аввало, одамларни суғурта



# МУҲИМ МАСАЛАЛАР ҚИЗГИН МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

шартлари, суғуртадан фойдаланиш усуллари ҳақида очик ва кенгроқ ахборот олишини таъминлайди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Сўнгги йилларда давлат бошқаруви тизимида суд ҳоқимиятининг нуфузини ошириш, унинг мустақиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини кучайтириш долзарб вазифалардан бирига айланди. Судьялар ҳамжамияти органларининг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш ушбу жараённинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ялпи мажлисида суд ҳоқимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган "Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таклиф қилинаётган қонун лойиҳаси билан судьялар ҳамжамияти органларининг турлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва функциялари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Судьялар малака ҳайъати таркибига жамоатчилик асосида тажрибали суд фахрийларини жалб этиш имконияти яратилмоқда.

Судьяларга малака даражаларини бериш, интизомий

депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

шаклланишига олиб келаётгани таъкидланди. Шу сабабли, қонун лойиҳасида безорилик

ПЕНСИЯГА ОИД ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАЖЛИСИДА БИРИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

## УЮШГАН ВА ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ МЕХАНИЗМЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Депутатлар мажлисида уюшган ва жамоат жойларидаги жиноятчиликка қарши курашиш механизмларини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ҳужжат сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мантаний давоми ҳисобланади. Хусусан, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиллар жиноят содир этиш мақсадида жиноий уюшмалар ташкил этилиши, уларнинг молиявий таъминланиши жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётганини кўрсатмоқда.

Амалдаги қонунчиликда жиноий уюшмаларни молиялаштирганлик учун алоҳида жавобгарлик мавжуд эмаслиги долзарб муаммо сифатида қайд этилди.

Шу муносабат билан, Жиноят кодексига жиноий уюшма фаолиятини молиялаштирганлик учун алоҳида жавобгарлик киритиш, бундай шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўлламаслик назарда тутилмоқда.

Амалдаги қонунчиликда жиноий уюшма ташкил этиш ёки унга раҳбарлик қилиш учун жавобгарлик мавжуд бўлса-да, мансаб ваколатларини суиистемол қилган ҳолда жиноий уюшмаларга ҳомийлик қилиш учун жавобгарлик назарда тутилмаган эди. Қонун лойиҳаси билан мансаб ваколатларини суиистемол қилган ҳолда жиноий уюшмаларга ҳомийлик қилганлик учун ҳам жавобгарликни белгилаш таклиф этилмоқда.

Амалда уюшган гуруҳлар томонидан содир этилган безорилик учун кўп ҳолларда энгил жазо тайинланмоқда. Бу эса жазосизлик муҳити

жинояти учун жазо чоралари ҳам оғирлаштирилмоқда.

Хусусан, қонун лойиҳаси билан безориликнинг турли шакллари, жумладан, бир гуруҳ шахслар томонидан, такроран, қурол ишлатиб ёки жамоат тартибини сақлаётган шахсларга қаршилик кўрсатган ҳолда содир этилган қилмишлар учун жазолар оғирлаштирилмоқда. Шунингдек, уюшган гуруҳ томонидан ёки баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган безорилик учун алоҳида жавобгарлик белгиланмоқда.

Лойиҳада жанговар спорт турлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жанговар спорт турлари бўйича мусобақаларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши, унда иштирок этганлар эса маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга ҳамда жиноятларнинг айниқса, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Мажлисида Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат билан Иқтисодий процессуал ҳамда Солиқ кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, солиқ тўловчи бўлган тадбиркорлик субъекти ўзининг тадбиркорлик субъекти бўлиши тан олганда ва эътироз билдирмаганда, тадбиркорнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органлари томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Ҳуқуқбузарлик бартараф

этилганда ҳисобварақ фаолиятига қўйилган чекловни бекор қилиш ҳам солиқ органи томонидан амалга оширилиши таклиф этилмоқда. Мақсад қоидабузилиш тан олинса, иш судгача бормайди. Бундай янги тартиблар қоидабузулишларни тез фурсатда бартараф қилиш ва тадбиркор фаолиятини қисқа вақтда қайта давом эттириш имконини беради.

Шу билан бирга, солиқ тўловчи солиқ органининг қарори юзасидан эътироз билдирса, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органининг аризасига асосан иқтисодий суд томонидан амалга оширилади.

Қизгин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Пенсияга оид хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига пенсияга оид хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси пенсия таъминоти тизимида инсон омиллини камайтириш, соҳадаги ахборот тизимларидан унумли фойдаланиш ҳамда ногиронлиги бор фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Қонун лойиҳасига кўра, фуқароларга ногиронлик белгиланганда, улардан мурожаатни талаб этмаган ҳолда (проактив шаклда) пенсия тайинлаш белгиланмоқда. Яъни пенсия тайинлаш жараёни рақамли тизим орқали амалга оширилади. Бу эса одамларга жуда қулай бўлиб, уларнинг вақтини тежайди. Оворагарчиликнинг олдини олади, жараёнларни тезлаштиради.

**Жамол ОЧИЛОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

- Лойиҳада фуқароларга пенсия тайинлашда янги ахборот технологияларини кенг қўллаш, инсон омиллини янада камайтиришга қаратилган меъёрлар ўрин олмоқда. Шу билан бирга, ногиронлиги бор шахсларга пенсия тайинлашда энгилликлар берилиши назарда тутилмоқда. Бу орқали 50 минг нафардан ортиқ ногиронлиги бор шахсларга пенсия тайинлашни соддалаштириш имкони пайдо бўлади.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси тизимдаги мавжуд нормаларни аниқлаштириши билан ажралиб туради. Шу маънода унинг қабул қилиниши партиямизнинг электорати манфаатлари ҳимоясида муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали Халқ демократик партияси бир неча марта илгари сурган, ногиронлиги бўлган шахсларни оворагарчиликлардан халос қиладиган ташаббус амалга ошади.

Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиясини тайинланганидан кейин камида бир йил иш стажига эга бўлган пенсионернинг пенсиясини ҳар икки йилда бир мартаба қайта ҳисоблаш ҳам фуқаронинг мурожаатини талаб этмасдан (проактив шаклда) амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Бу энгиллик пенсионерга, айниқса, жисмоний имконияти чекланганларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш қулайлигини яратади.

Лойиҳа билан ҳар ойлик чегирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоизидан ошиши ва чегирма қилингандан сўнг тўланадиган пенсия миқдори расман белгиланган энг кам истеъмол харajatларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
**"Ўзбекистон Овози" муҳбири.**

АПРЕЛЬ – АМИР ТЕМУР ОЙЛИГИ

# ТЕМУРИЙЛАР РЕНЕССАНСИ – ХАЛҚИМИЗ УЧУН ИШОНЧ,

## ИЛҲОМ ВА КУЧ-ҒАЙРАТ МАНБАИ

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)



**Имомназар ТУРСУНОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.**

Маълумки, Мовароуннахрни ягона давлат сифатида бирлаштирган Соҳибқирон пойтахти Самарқанд бўлган кудратли салтанат тузди. Узининг дунёга машҳур “Темур тузуклари” орқали давлатни бошқаришнинг ҳуқуқий мезонларини яратди. Илм-фан ва маданият ривожига ҳам бекиёс ҳисса қўшиб, Иккинчи уйғониш даври – темурийлар Ренессансига асос солди.

Таъкидланганидек, Амир Темур даврида бунёд этилган бебаҳо обидалар ўзбек халқининг миллий ғурури ва ўлмас тарихий мероси саналади. Енгилмас саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси саналган закий

бобокалонимизнинг “Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин”, дея таъкидлаган ҳикматли сўзлари бугун Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларда яққол акс этмоқда. Шу билан бирга, темурийлар Ренессанси мамлакатимизда янги Уйғониш даври пойдеворини яратишда халқимиз учун ишонч, илҳом ва куч-ғайрат манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

**Буюк цивилизациялар интеллектуал ютуқлар, маънавий қадриятлар ва маданий мерос уйғунлигига таянади. Марказий Осиё қадимдан илм-фан, санъат ва фалсафа маркази бўлиб келган ҳамда башарият тараққиётига таъсир кўрсатган цивилизация асосларини шакллантирган.**

Давлатимиз тарихида Амир Темур халқимиз шон-шарафи, ғурури, даҳоси ва маънавиятимизнинг тимсолига айланган. Миллатимизнинг кудрати, чексиз салоҳияти ва жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз борганда, энг аввало, кўз олдимизда Амир Темур сиймоси гавдаланиши боиси ҳам шунда. Соҳибқироннинг маънавияти, шижоати ва адолатли сиёсати барча давр ва авлодлар учун юксак ибрат намунасидир.

Амир Темур ўздан олдинги аждодларининг давлатчилик тажрибасини ўрганган, уларнинг меросини хурмат қилган ва бунинг давлатини куришда асос қилиб олган. Соҳибқирон давлатни қонун устуворлиги ва инсонийлик тамойиллари асосида бошқаришга интилган. Бу даврдаги давлат бошқаруви марказлашган ҳокимият тизими орқали тарқоқликка чек қўйиш ва ягона кучли салтанат тузиш орқали тинчликни таъминлашга қаратилган.

Амир Темур юритган ижтимоий сиёсат ҳам қатъий тартиб-интизом, адолат билан “суғорилган” бўлиб, аҳолининг иқтисодий фаровонлигини ошириш пировард мақсад эди. У хунармандчилик, савдо ва деҳқончиликни

қўллаб-қувватлади, амалдорлар фаолиятини назорат қилиб, суиистеъмолчиликка йўл қўйганларни қаттиқ жазолади. Эл-улус ҳақида қайғуриб, хунармандларни кўчириб келиш ва барқарор ривожланиш учун зарур шароитлар яратиш чораларини кўрди.

Кудратли ҳукмдор ўз даври имкониятлари ва чегараларидан чиқиб, янги тизимларнинг шаклланишига асос солди. Сиёсатининг ғоявий асосини ташкил этишда ўзбек халқининг тарихий илдизлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган турк улусини бирлаштиришга бўлган ҳаракати олқишга сазовор.

Сиёсатда кенгаш, мулоҳазакорлик ва узоқни кўра билиш кўрол кучидан кўра ўн чандон фойдалироқ эканини ёзади Соҳибқирон ўзининг «Темур тузуклари»да. Ушбу доно сўзлар ғўёки дунё тебраниб турган, глобал иқтисодий, ижтимоий, экологик муаммолар ортаётган ҳозирги замонда ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Темур даврида солиқлар халқ ҳолига мос, урушда ҳам деҳқон ҳосили ҳимоя қилинган, савдо ва вақфлар орқали таълим-тиббий ривожланган.

Эътибор қилсангиз, Соҳибқироннинг давлат

бошқарувиغا доир қарашлари, илгари сурган олижаноб ғоялари бугун мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим ўринга эга Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган. Жамиятни 12 тоифага бўлиб, заифларни ҳимоя қилган Темур сиёсати ЎзХДП дастуридаги тенглик ва аҳоли фаровонлиги ғоялари билан ҳар томонлама уйғун.

ЎзХДП фракцияси Олий Мажлисда ижтимоий ҳимоя ва муҳтож қатламлар манфаатини ҳимоя қилиш вазифасини самарали уदдалаб келмоқда. «Ўзбекистон — ижтимоий давлат» тамойили айнан Темур давридаги «Куч — адолатдадир» шиори билан бир хил мақсадларни кўзлайди.

Дарҳақиқат, халқимиз Амир Темурни ўз Ватанини улуғлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш ва авлодларнинг порлоқ келажаги йўлида курашган буюк давлат арбоби сифатида доимо эҳтиром билан ёдга олади. Амир Темур ва унинг ворислари мероси замонавий дунёда, айниқса, Янги Ўзбекистоннинг маданий ўзлигини шакллантиришда ва халқаро маданий мулоқотда долзарб аҳамиятини яққол намойён этади.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

БМТга кўра, яқин ўн йилликларда ёши 65 ва ундан катта бўлган кексалар сони икки барбарга кўпаяди. Аниқроқ айтганда, 2050 йилга келиб сайёрамизда қариялар 1,6 миллиард кишига етиши прогноз қилинмоқда. Дунё аҳолисининг қариши, яъни кексалар улусининг ортиши давлатлар олдига янги вазифаларни қўйди.

Масалан, Европа Иттифоқи давлатларида 65 ёшдан юқори аҳоли улуши 20 фоиздан ошган бўлиб, бу кўрсаткич йил сайин ўсиб бормоқда. Японияда эса бу рақам 28 фоиздан юқори. Бундай шароитда барча эҳтиёжмандларни ижтимоий муассасаларга жойлаштириш на иқтисодий, на ижтимоий жиҳатдан мақбул ечим ҳисобланади.

Шу сабабли, 1970–1980 йиллардан бошлаб Скандинавия давлатлари, кейинчалик Германия, Франция ва Японияда уй шароитида хизмат кўрсатиш тизими босқичма-босқич жорий этилди.

Мазкур моделнинг асосий ғояси жуда оддий, аммо чуқур маънога эга бўлиб, инсон қаерда яшашни истаса, ўша ерда муносиб ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлиши керак.

Ушбу модель инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кўринишидир. Чунки инсон ўз уйида, таниш муҳитда бўлганда ўзини хавфсиз, эркин ва қадрли ҳис қилади. Шу билан бирга, у ўзининг ижтимоий алоқаларини сақлаб қолади, бу эса руҳий барқарорлик ва ҳаёт сифати учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, уй шароитида ижтимоий хизматлар инсон саломатлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Институционал муҳитда ёлғиз кексалар пассив ҳолатга тушиб қолса, уй шароитида улар ўз ҳаётини маълум даражада мустақил равишда давом эттиради.

Ўзбекистонда ҳам ижтимоий ҳимоя тизимида ушбу замонавий ёндашув миллий қадриятларимиз билан уйғунлиқда йўлга қўйилмоқда. Давлатимиз сиёсати марказида устувор бўлган инсон қадрини улуғлаш ғоясига йўналтирилган янги механизмлар ишлаб чиқилмоқда.

Уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, уларга бевосита яшаш жойида комплекс хизматлар кўрсатишни назарда тутди.

Хизмат таркибига кирувчи вазифалар кундалик ҳаёт учун энг зарур бўлган эҳтиёжларни қамраб олади. Овқат тайёрлаш, уйни тозалаш, кийим-кечакларни ювиш, гигиена тадбирлари шулар жумласидан.

Шу билан бирга, тиббий муассасаларига ҳамроҳлик хизмати орқали фуқароларнинг тиббий хизматлардан тўлиқ фойдаланишига шароит яратилади. Мазкур хизматнинг асосий инновацион жиҳатларидан бири – бу тьюторлик элементидир. Бу йўналиш орқали фуқароларга ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмалари ўргатилади, рақамли технологиялардан фойдаланишга йўналтирилади.

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ЁРУҒЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛДИР



Масалан, онлайн давлат хизматларидан фойдаланиш, электрон китоблар ўқиш, замонавий гаджетлар билан ишлаш каби кўникмалар инсоннинг мустақиллигини оширади.

Ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизматининг яна бир муҳим хусусияти бу унинг манзилли ва дифференциалланган тарзда кўрсатилиши билан боғлиқ.

Кексаларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкаллари орқали баҳоланади. Ушбу баҳолаш натижаларига кўра, хизмат ҳажми ва даврийлиги аниқ белгиланади. Бу эса ҳар бир инсонга унинг эҳтиёжига мос равишда ёрдам кўрсатиш имконини беради ва ресурслардан оқилона фойдаланишни кафолатлайди.

Ёлғиз ва эҳтиёжманд қатлам вакиллари ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимида давлат органлари билан бир қаторда хусусий сектор ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг иштирок этиши эса, табиийки, тизимда рақобат муҳитини шакллантириб, сифат ва самарадорликни оширади.

Ваучер механизмнинг жорий этилиши молиялаштириш жараёнини шаффоф ва натижага йўналтирилган қилиб, фуқароларга хизмат кўрсатувчини танлаш имкониятини яратди.

Рақамларга эътибор қаратсак. Ҳозирга қадар эҳтиёжманд қатлам вакиллари, хусусан, ёлғиз кексаларга уй шароитида жами 17 минг 897 та хизмат кўрсатилган. Бу кўрсаткич ижтимоий-маиший хизмат турига жамиятимизда талаб юқори эканини

ҳамда тизим амалда фаол ишлаётганини англатади. Худудлар кесимида энг юқори кўрсаткичлар Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятига тўғри келган.

Уй шароитида ижтимоий-маиший хизматлар кексалар учун нафақат ёрдам, балки ҳаёт сифатини сақлаб қолишнинг ҳал қилувчи воситаси эканини унутмаслик керак. Бунда ижтимоий хизмат кўрсатиш жараёни тизимли ва режалар асосида ташкил этилади. Ҳар бир фойдаланувчи учун алоҳида режа-график ишлаб чиқилиб, унга ҳудудлардаги “Инсон” марказлари томонидан масъул ижтимоий ходим бириктирилади.

Ана шундай тизимли ёндашувнинг амалдаги натижасини Янгиқўрғон туманида яшовчи Мақсуда ая Бекматова мисолида ҳам кўриш мумкин. У жарроҳлик амалиётидан сўнг оғир ҳолатга тушиб, мустақил ҳаракатлана олмас, доимий парваришга муҳтож ҳолга келган эди. Ёлғиз яшаш эса аҳолини янада мураккаблаштирган.

Режа-график асосида бириктирилган ижтимоий ходим томонидан кўрсатилган мунтазам хизматлар натижасида Мақсуда аянинг турмуш тарзи яна изга тушди. Ая аста-секин соғлигини тиклаб, кундалик юмушларни, ҳаракатларни мустақил бажара олиш даражасига ета бошлади. Энг муҳими, у ўз уйида, ўзи ўрганган муҳитда муносиб ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлди.

Қувонарлиси, бугун бундай мисолларни юртимизнинг ҳар бир ҳудудида, деярли

ҳар бир маҳаллада учратиш мумкин. Бу эса уй шароитида кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар оғир ҳаётини вазиятга тушган инсонларнинг қалбига, турмушига қанчалар ёруғлик олиб қираётганидан далолат беради.

Бундай натижаларга эришишда хизматларнинг нафақат манзилли, балки аниқ тартибга солинган ва шаффоф ташкил этилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, тизимда белгиланган тартибга мувофиқ, агар фуқаро вақтинчалик равишда ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ёки “Мурувват” интернат-уйига жойлаштирилса ёки санаторий ва даволаш муассасасида бўлса, мазкур давр мобайнида уй шароитидаги хизмат кўрсатиш тўхтатилади.

Бу ёндашув ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хизматларни ҳақиқий эҳтиёж мавжуд бўлган ҳолатларда самарали ташкил этиш имконини беради.

Кекса инсон учун энг катта қадрият – бу унинг уйи, хотиралари ва оддий муҳити ҳисобланади. Ижтимоий-маиший хизмат орқали улар ўз уйини тарқ этмасдан туриб, зарур барча ёрдамни олиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, мазкур хизмат ижтимоий изоляциянинг олдини олади.

Яна бир муҳим жиҳат, бу оила юқини енгиллаштиришдир. Кўп ҳолларда қарияларга ғамхўрлик қилиш вазифаси оила аъзолари зиммасига тушади. Уй шароитида ижтимоий хизматлар орқали ушбу юк қисман давлат ва жамият томонидан қопланади, бу қўли қалта оилалар учун катта енгиллик яратади.

Хизмат самарадорлигини баҳолаш механизмларининг жорий этилгани ҳам унинг замонавийлигини кўрсатади. Фойдаланувчининг қониқиш даражаси, шикоятлар мавжудлиги ва уй ҳолатининг баҳоланиши орқали хизмат сифати доимий мониторинг қилинади.

Кексаликда, яъни танангдан куч, кўзингдан нур кетганда инсоннинг ёлғиз қолиши жуда оғир. Устига-устак физиологик қариш жараёни айрим сурункали касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай вазиятда инсон учун ижтимоий-маиший, тиббий ва психологик кўмак, ғамхўрлик ҳар қачонгидан керак.

Шуниси аниқки, ёши улуғ инсонларни қадрлаш, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш юксак инсоний ва миллий қадриятларимизнинг авлодлар оша давом этишига хизмат қилади.

**“Ўзбекистон овози” мухбири  
Фарида МАҲКАМОВА  
ёзиб олди.**

## ТАҲЛИЛ

# ЎЗХДП депутатлик гуруҳлари қанчалик фаол?

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Сўнги йилларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятида илгари кузатилмаган муҳим ўзгаришлар юз берди. Энди ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид энг долзарб масалалар бевосита ҳудудий Кенгашларда кўриб чиқилмоқда. Шу билан бирга, депутатлар қарор қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этиб, унинг мазмун-моҳиятига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Берилган ваколатлар ва яратилаётган имкониятлар тўғрисида маҳаллий Кенгашлар фаолияти аввалги даврларга нисбатан анча жонланди. Бугунги кунда Кенгашлар минбарига турли масалалар юзасидан ҳисоботлар эшитилмоқда, қарорлар эса муҳокамага кўйилмоқда. Сессиялар кўпроқ баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ва жонли фикр алмашинувлари билан ўтмоқда. Бу жараёнда халқ эҳтиёжлари ва ҳудудлар ривожига қаратилган аҳамиятли таклифлар илгари суриляпти.

Албатта, бундай ижобий жиҳатларни депутатлик гуруҳлари фаолияти, халқ вакилларининг салоҳияти билан узвий боғлаш мумкин. Чунки партия гуруҳлари фаол бўлса, маҳаллий Кенгашларда муҳокамалар жонланади, сайловчилар, хусусан, электрот манфаатларига қаратилган масалалар ўз ечимини топади. Ҳамма гап, аслида, уларнинг ташаббус кўрсатишида.

**Ўш, бугун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳлари нималар билан машғул? Кенгаш минбарига депутатларимиз ташаббуси билан қандай масалалар муҳокама этиляпти?**

Бугунги кунда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида партиянинг 196 та депутатлик гуруҳлари бор. Ҳудудларда жамоатчилик яши танийдиган депутатларимиз жуда кўп. Муҳими, ҳар бир депутатимизнинг маҳаллий Кенгашда ўз овози, асосли мулоҳазаси бор.

Маълум бўлишича, депутатларимиз ташаббуси билан жойларда аҳолини иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этиш каби масалалар бўйича назорат-таҳлил ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, коммунал хизматлар сифатини ошириш каби йўналишлар ҳам муҳокама марказида турибди.



**Шохруҳ ҲУКТАМОВ,**  
ЎЗХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:

- Ташаббус бор жойда ҳаракат бўлади, ҳаракат бор жойда эса натижа бўй кўрсатади. Агар партия гуруҳлари муаммоларни ўз вақтида кўтариб, ечим таклиф қилса ва уни амалга оширишга етиб борса, бу ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, аҳолини ташвишга солиб келаётган муаммоларнинг ечилишига хизмат қилади.

Фарғона вилоятида партия депутатлик гуруҳлари фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, ҳудудларда кўтарилаётган масалалар оддий муҳокама даражасида қолиб кетмапти. Улар аниқ механизмлар, рақамлар ва ижро вазифалари



## Б

### БЕРИЛГАН ВАКОЛАТЛАР ВА ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИАТЛАР ТУФАЙЛИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИ АВВАЛГИ ДАВРЛАРГА НИСБАТАН АНЧА ЖОНЛАНДИ.

билан аввал депутатлик гуруҳи йиғилишларида кўриб чиқилади. Таклифлар умумлаштирилади, шундан сўнг масала маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари ва сессияларига олиб чиқилади.

Масалан, ҳозир партия гуруҳларимизда ёшлар сиёсати, таълим, бандлик ва ижтимоий ҳимоя масалаларида тизимли ва босқичма-босқич ишлаш амалиёти шаклланди.

Жумладан, яқинда ёшларни хорижий тилларга ўқитиш масаласи халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи томонидан чуқур ўрганилди. 2026 йил 3 март куни ўтказилган йиғилишда мазкур масала кўриб чиқилиб, депутатлик сўрови орқали вилоятда фаолият юритаётган 262 та хорижий тил ўқув марказлари тўлиқ рўйхатга олинди.

Шу асосда "2+6" дастури доирасида 10 000 нафар ёшни бепул хорижий тилларга ўқитиш режаси ишлаб чиқилди. Кейинчалик 14 март куни ёшлар ишлари агентлиги бошқармаси ҳисоботи эшитилиб, масала сессияга киритилди ва қабул қилинган қарорга мувофиқ барча ўқув марказлари фаолиятини кучайтириш ҳамда белгиланган кўрсаткичларни ўз вақтида ва сифатли бажариш вазифаси юклатилди. Бу ҳолат депутатлик ташаббуси аниқ дастур ва кенг қамровли амалий ишга айланганини кўрсатади.

Шу билан бирга, Марғилон шаҳрида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи бўйича ҳам назорат-таҳлил ишлари олиб борилди. Депутатлик гуруҳи йиғилишида кўтарилган масала аввал доимий комиссияга, кейин эса сессия кун тартибига киритилди.

Натижада қабул қилинган сессия қарори билан шаҳардаги корхона ва ташкилотларда мавжуд иш ўринларининг аниқ сонини қайта ҳисобдан чиқариш, маҳалла фуқаролар йиғини "еттилик" билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда ишсизлар сонини қисқартириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу эса бандлик масаласини тизимли равишда ҳал этишга қаратилган аниқ механизм ишлаб чиқилганини англатади. Таълим соҳасида ҳам амалий

натижаларга эришилган. Хусусан, Бешарик туманида мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантириш масаласи депутатлик гуруҳи ташаббуси билан кўтарилиб, доимий комиссия орқали сессияга киритилди.

2026 йил 31 мартда қабул қилинган қарорга мувофиқ мактабдан ташқари таълимга ўқувчилар қамровини камида 80 фоизга етказиш, шунингдек, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини халқаро стандартларга мос равишда ривожлантириш вазифалари белгилаб берилди. Бу ерда энг муҳим жиҳат — аниқ кўрсаткич (80 фоиз қамров) белгиланиб, унинг ижроси назоратга олинганидир.

Фурқат туманида эса кексаларни қўллаб-қувватлаш бўйича мутлақо янги ёндашув шакллантирилди. Депутатлик гуруҳи ташаббуси билан "Бир нуруний – ўн ёшга масъул" тамойили амалиётга жорий этилди, фаол нурунийларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, меҳнат фахрийларининг маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашдаги иштироки кенгайтирилди. Энг муҳими, сессия қарори билан "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" тамойили асосида кексалар ҳолидан доимий хабар олиш тизими йўлга қўйилиб, ижтимоий хизматларни етказиш жараёни қатъий назоратга олинди. Бу эса ижтимоий ҳимояни тизимли равишда ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий йўналишларда ҳам аниқ чоралар белгиланган. Масалан, Тошлоқ туманида деҳқон хўжалиқлари учун ажратилаётган ерлардан самарали фойдаланиш масаласи ўрганилиб, доимий комиссия ва сессия қарорлари орқали қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш, агрегаторлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда банклар иштирокини кучайтириш вазифалари юклатилди. Қува туманида эса ер ресурсларидан фойдаланиш ва экинларни жойлаштириш бўйича назорат кучайтирилиб, аграр мониторинг тизимини жорий этиш бўйича қарор қабул қилинди.

Шунингдек, бир қатор туманларда камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича комплекс ёндашув жорий этилган. Хусусан, Ўзбекистон, Учкўприк ва Олтиариқ туманларида меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш, аҳолини касб-хунарга ўқитиш, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларни жамиятга интеграция қилиш, яширин иш ўринларини легаллаштириш, инвестиция лойиҳалари орқали янги иш ўринлари яратиш вазифалари белгилаб берилган. Бу жараёнда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган ва ижронин ойма-ой назорат қилиб бориш механизми йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Қўштепа туманида меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларни ўқитиш

ва қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, Фарғона шаҳрида ногиронлиги бўлган шахслар учун инфратузилмани яхшилаш, Сўх туманида аҳолини спортга қамраб олиш даражасини 50 фоизга етказиш, Фарғона туманида эса хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 648 миллион сўм маблағ ажратиш бўйича таклифлар илгари сурилган. Ёзёвон туманида 32 та маҳаллада ижтимоий ходимлар фаолиятини кучайтириш ва доимий назоратга олиш вазифаси белгиланган.

Энг муҳими, депутатлик ташаббуслари "муҳокама" босқичидан чиқиб, "қарор – ижро – назорат" занжири асосида амалий натижага айланмоқда.



**Махмуд ЕСЕНГЕЛДИЕВ,**  
Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари:

- Ҳар бир ҳудуднинг ривожини, энг аввало, у ердаги депутатларнинг қай даражада фаол иш олиб бораётганига боғлиқ. Аҳолини қийнаётган муаммоларни эшитиш, уларни жойида ҳал этиш ва уларга эришиш депутатлар олдида турган муҳим вазифадир. Шу боис, жойларда депутатлик гуруҳлари ишини таҳлил қилиш ва илғор тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Депутатлик гуруҳларимиз фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, ташаббусларимиз орқали ўрганилаётган ҳар бир масала аниқ таҳлил, жамоатчилик эшитиш ва сессия қарорлари орқали амалий натижага олиб чиқилмоқда. Айниқса, депутатлик сўровлари ва аҳоли мурожаатлари билан ишлашда юқори натижадорлик таъминлангани диққатга сазовор.

Жумладан, 2026 йилнинг биринчи чораги давомида партия депутатлик гуруҳлари томонидан жами 123 та депутатлик сўрови юборилган бўлиб, уларнинг 107 таси ижобий ҳал этилган. Бу кўрсаткич депутатлик назорати формал эмас, балки аниқ натижага йўналтирилган тизимга айланганини кўрсатади.

Республикада даражасида кўтарилган энг муҳим масалалардан бири — ижтимоий ҳимоя тизими бўлди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 ноябрдаги қарори ижроси доирасида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга нафақалар тайинлаш жараёни чуқур ўрганилди.

Бу жараёнда нафақаларни тайинлашнинг манзиллилиги,

электрон ариза бериш тизимининг аҳоли учун қулайлиги, мурожаатларни электрон тарзда кўриб чиқишнинг очиқлиги ва тезкорлиги таҳлил қилинди. Шу асосда 2026 йил 25 март куни жамоатчилик эшитиш ўтказилиб, тизим самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Амударё туманида эса таълим сифати масаласи депутатлик гуруҳининг назорат марказида бўлди. Бу ерда Президентнинг таълим соҳасини такомиллаштиришга оид фармони ижроси ўрганилиб, таълим стандартларини жорий этиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, замонавий ўқув технологиялари билан таъминлаш ва таълим хизматларининг аҳоли учун очиқлиги каби йўналишларда комплекс таҳлил ишлари олиб борилди. Мазкур масала юзасидан депутатлик гуруҳи томонидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилиб, қарор қабул қилиш босқичига олиб чиқилган.

Бўзатов туманида мактабларда ўқувчиларнинг овқатланиши тизими устидан депутатлик назорати ўрнатилди. Хусусан, таълим муассасалари ошоналарида санитария ва гигиена қоидаларига риоя этилиши, овқат сифати ва хавфсизлиги, зарарли маҳсулотларнинг савдосига йўл қўймаслик каби масалалар атрофида ўрганилди. Бу аввал депутатлик гуруҳи ва доимий комиссияларда муҳокама қилинди, 2026 йил февраль ойида эса сессия қарори қабул қилиниб, назорат механизмлари мустаҳкамланди.

Қонлиқўл ҳамда Кегейли туманларида камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш масалалари бўйича Президент қарорлари ижроси ўрганилди. Назорат-таҳлил давомида янги иш ўринлари яратиш, аҳолини касб-хунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва меҳнат бозорига йўналтириш ишлари қандай ташкил этилгани таҳлил қилинди. Шунингдек, ажратилган маблағлар ва имтиёزلарнинг манзиллилиги ва шаффофлиги алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масалалар ҳам депутатлик гуруҳлари томонидан муҳокама этилиб, кейинчалик сессия қарорлари қабул қилинди.

Қораўзақ туманида эса инфратузилмани ривожлантириш, хусусан, аҳолини электр энергияси, иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш масалалари кўтарилди. Депутатлар томонидан давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган инвестиция дастурлари ижроси ўрганилиб, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва маблағлардан мақсадли фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинди. Натижада 2026 йил март ойида ўтказилган сессияда ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз энергия билан таъминлаш бўйича аниқ вазифалар юклатилди.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон Республикаси мисолида депутатлик гуруҳлари фаолияти бир неча муҳим жиҳатлар билан ажралиб туради. Биринчидан, депутатлик сўровлари ва мурожаатлар бўйича юқори самарадорлик таъминланмоқда. Иккинчидан, ҳар бир масала чуқур таҳлил ва жамоатчилик иштирокида кўриб чиқилмоқда. Учинчидан, муҳокамалар аниқ қарор қабул қилиш ва ижро механизмларини таъбиқ этиш орқали натижага эришиш билан аяқланмоқда.

Энг муҳими, депутатлик назорати орқали аҳолини қийнаётган муаммоларни жойида ҳал қилиш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, бу ҳудудда партия гуруҳлари фаолиятининг реал таъсирини яққол намоён этмоқда.

\*\*\*  
Фикрлардан кўриниб турибдики, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда янада фаол бўлиб, ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этмоқда.

Энг асосийси, бу ташаббуслар ижроси изчил кузатиб борилиши, жойларда унинг самараси сезилиши керак. Шундагина депутатлик гуруҳларининг фаолияти оддий муҳокамалар билан чекланиб қолмай, аҳоли ҳаётида ижобий ўзгаришлар яратишга хизмат қилади.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
"Ўзбекистон овози"  
муҳбири.

СЎЗ – ЎЗХДП ЕТАКЧИЛАРИГА!



**Бадриддин НАСРИЕВ,**  
ЎЗХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси,  
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

**Депутат фаол, фидойи ва куюнчак бўлса, жойлардаги муаммолар ўз вақтида аниқланади ва уларга тезкор ечим топилади. Энг муҳими, аҳолининг ишончи ортади, фуқароларнинг дарду ташвишлари эътиборсиз қолмайди. Фаол депутат ижро органлари устидан самарали назорат ўрнатиб, қабул қилинаётган қарорларнинг амалда бажарилишини таъминлайди ҳамда ҳудуд ривожига муносиб ҳисса қўшади.**

Бугунги кунда вилоятимизда 95 нафар депутатимиз бор. Улар депутатлик фаолиятида партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган ғоя ва ташаббусларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, ижтимоий соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, сайловчилар билан мулоқотни янада кучайтириш ишлари изчил олиб борилапти.

Шу билан бирга, жойларда фуқароларни қийнаётган тизимли муаммолар мунтазам ўрганилиб, таҳлил қилиб борилмоқда. Ижро органлари фаолияти устидан депутатлик назорати кучайтирилиб, депутат сўровлари сони ҳам тобора ошиб борапти.

Сессиялар кун тартибига партия дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган масалалар киритилмоқда. Бундан ташқари, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг мазмун-моҳиятини партия электорати ва аъзолари ўртасида кенг тарғиб қилиш, унинг ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга ҳаракат қилинмоқда.

# КУЮНЧАКЛИК БОР ЖОЙДА ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ

Чунки маҳалла ривожланса, жамият юксалади. Бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар орқали ҳудудлар янада обод, аҳоли турмуши фаровон, жамият эса барқарор бўлиб бормоқда.

Масалан, депутатларимиз томонидан маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллаларга Янги Ўзбекистон киёфасини олиб кириш мақсадида "Бир маҳалла – бир ташаббус" лойиҳаси доирасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзим сайланган Боғибаланд сайлов округи мисолида айтадиган бўлсам, сўнгги пайтларда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича кўзга кўринарли ижобий ишлар қилинди. Хусусан, Самарқанд шаҳар "Қўрғонча" маҳалласидаги Аҳмад Жомий кўчасида ичимлик суви қувурлари эскириб, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Маҳалла фаоллари бу бўйича Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, "Оқова сув" ташкилотларига бир неча марта мурожаат қилганига қарамасдан, натижа бўлмаган.

Бир гуруҳ сайловчилар ушбу масала бўйича мурожаат қилишди. Муаммони ҳал қилиш мақсадида тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юбордик. Ҳаракатимиз бесамар қетмади. Ичимлик суви қувурларини янгилаш учун маҳаллий бюджет маблағларидан 1,450 млрд сўм ажратилди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг "Азизон", "Жўйи чўқур", "Чилстун" ҳамда Оқдарё туманининг "Пўлатдархон" ва "Тараққиёт" маҳаллаларида ҳам қатор муаммолар депутатлик сўровлари орқали ижобий ҳал этилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари Ф.Тошев, Ў.Саидмуродов, Ф.Раҳимова, Т.Султонов, Г.Мирзаеваларнинг депутатлик сўровлари тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан ўз вақтида ижобий ечим топди.

## АФСУСКИ, МУАММОЛАР ҲАМ БОР...

Бирок, айрим туман ва шаҳарларда аҳоли муаммоларини



ҳал этишга етарлича эътибор қаратилмаётган ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Шунингдек, маҳаллий Кенгаш депутатларининг сўровларига бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жумладан, бундай камчиликларни Самарқанд тумани мисолида кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 23 сентябрдаги "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Самарқанд тумани "Паррандачилик" маҳалласи аҳолисининг томорқа ерларида сўғоришни яхшилаш мақсадида "Афросиёб қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти томонидан ариқларни бетонлаштириш ва қудуқ қазिश ишлари амалга оширилган. Бу объект бўйича смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Самарқанд вилояти филиали томонидан экспертизадан ўтказилган. 2025 йил 19 июндаги эксперт хулосасига асосан объект қиймати ҚҚС билан 2,0 млрд сўмни ташкил қилган.

2025 йил 28 октябрда "Қурилиш тугатилган объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида" Давлат қабул ҳайъати


томонидан далолатнома тузилиб, комиссия аъзолари томонидан имзоланган. Лекин 2026 йил 31 мартда "Паррандачилик" маҳалласи "Меҳробод" гузарига истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар томонидан халқ депутатлари туман Кенгаши раиси М.Султонов номига дастур асосида тадбиркор томонидан маҳалла ҳудудига 4000 метр ариқларни бетонлаштириш ишлари сифатсиз бажарилгани ва ишлар охирига етказилмагани тўғрисида ариза келиб тушган.

Кенгаш раиси аризани кўриб чиқишни халқ депутатлари туман Кенгаши қошидаги Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссиясига юборган.

Амалга оширилган ишларни ўрганиш мақсадида халқ депутатлари туман Кенгашида депутатлар, маҳалла фаоллари ва тегишли ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам 2 та қудуқ қазилган, трансформаторлар ўрнатилган. Лекин тортилган қувурларни кўмиш ишлари сифатсиз бажарилган, қувурларнинг бир қисми кўмилмасдан қолган, сув тақсимлаш жойлари бир-бирига уланмаган, бетонлаштириш ишлари ҳам сифатсиз бажарилган.

Ариқар маҳаллий кўчаларга ётқизилган асфальтдан баланд



**ФАОЛ ДЕПУТАТ ИЖРО ОРГАНЛАРИ УСТИДАН САМАРАЛИ НАЗОРАТ ЎРНАТИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚАРОРЛАРНИНГ АМАЛДА БАЖАРИЛИШINI ТАЪМИНЛАЙДИ ҲАМДА ҲУДУД РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАДИ.**

бўлганлиги боис қор ва ёмғир сувлари кўчаларга зарар етказган.

Ўрганиш натижасида аниқланган камчиликлар туман депутатлари томонидан тегишли мутасадди ташкилотларга етказилди ва муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ муддат белгилаб берилди.

Чунки ушбу масалалар ўз вақтида ҳал этилмаса, аҳолининг давлат органларига бўлган ишончи пасайиши, мурожаатлар сонининг ортиши ва жойларда ижтимоий кескинлик юзга келиши мумкин. Шу боис, масъул ташкилотлар фаолиятини тизимли назоратга олиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ҳар бир мурожаатга амалий ечим бериш зарур.

Хулоса шуки, ҳар бир масаланинг ечимига дахлдорлик, куюнчаклик билан ёндашилса, албатта, ижобий натижага эришилади.

## ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

### Сурхондарё: "СИЁСАТДАГИ ЁШЛАР"

Термиз давлат университети талабалари ўртасида "Сиёсатдаги ёшлар" интеллектуал турнири ташкил этилди.

Турнир давомида иштирокчилар давлат



бошқаруви, қонунчилик ва парламент фаолиятига оид саволлар бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди.

Яқуний натижаларга кўра, биринчи ўрин "Стратеглар" жамоасига насиб этди. "Демократлар" жамоаси иккинчи ўринни, "Фемиди" жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар ҳамда барча иштирокчиларга партия ташкилотининг дипломлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Мазкур лойиҳа иқтидорли ва ташаббускор ёшларни аниқлаш, уларнинг сиёсий жараёнларга қизиқишини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

### Андижон: ДЕПУТАТ СЎРОВ ЮБОРДИ

Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашидаги депутатимиз Малик Жалоловга Ал-Бухорий маҳалласидаги аҳолидан мурожаат келиб тушди. Унда маҳалланинг Н.Тўхтаинов кўчасида оқова сув тармоқлари эскиргани, айрим жойлари носоз ҳолатга келгани айtilган.



Депутат мурожаатни жойига чиқиб ўрганди ва сув қувурларини янгилаш зарур, деган хулосага келди.

Шу муносабат билан "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамиятининг Андижон шаҳар бўлимига депутат сўрови юборди. Унда ҳудуддаги оқова сув тармоқларини таъмирлаш, шунингдек, 400 метр ичимлик суви қувурларини янгилаш чораларини кўриш сўралган.

### Қашқадарё: ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ЎРГАНИЛДИ



Халқ депутатлари Муборак туман Кенгашидаги депутатимиз Гулчехра Жўраева туман тиббиёт бирлашмасида ўрганиш олиб борди. Мақсад аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш, мавжуд тизимнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда муаммолари жиҳатларни аниқлашдан иборат эди.

Ўрганиш жараёнида, аввало, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг ўз вақтида етказилиши ва тўғри тақсимланишига эътибор қаратилди. Бу жараёнда дорилар таъминотида узилишлар бор-йўқлиги, амалиётда қандай муаммолар учраётгани ҳам таҳлил қилинди.

Яқуний натижаларга кўра, муассасанинг умумий ҳолати ижобий баҳоланган бўлса-да, айрим йўналишларда камчиликлар борлиги таъкидланди. Жумладан, дори воситалари таъминотини барқарорлаштириш, рақамлаштириш тизимини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва профилактик кўриклар қамровини кенгайтириш зарур.

### Наманган: БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНТИРИШ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

Халқ депутатлари Наманган туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи томонидан ҳудуддаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти ўрганилди. Унда болалар қамрови, соғлом овқатлантириш тартиби, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва тайёрлаш жараёнларининг санитария меъёрларига мослиги, таъминот ва назорат тизимларида шаффофлик, сифат ва узлуксизликни таъминлаш ҳолати каби масалаларга эътибор қаратилди.



Ўрганишлар давомида аниқланган айрим муаммолар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди. Мактабгача таълим ташкилотларида ўрганиш ишлари давом этмоқда.

### Бухоро: "МЕҲР УЛАШАЙЛИК" БУХОРО ШАҲРИДА "МЕҲР УЛАШАЙЛИК" ШИОРИ ОСТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК РУҲИДАГИ ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН ХДП



Бухоро вилояти ҳамда Бухоро давлат педагогика институтининг ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасининг онкология бўлимида даволанаётган болажонлар учун кўнгилочар дастур намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Зулфия Тўйева, Бухоро шаҳар кенгаши раиси Робия Қазимова, шунингдек, масъул ходимлар иштирок этиб, болажонлар ҳолидан хабар олишди.

Дастур давомида кўғирчоқ театри сахна кўринишлари орқали болаларга қувонч ва илиқ таассуротлар улашилди. Болажонларнинг юзида табассум пайдо бўлиб, улар учун унутилмас лаҳзалар тўхта этилди.

Шу билан бирга, болаларга совғалар ва ширинликлар тақдим этилди.

Бу каби тадбирлар, аввало, болажонларнинг маънавий қўллаб-қувватланишига, жамиятда меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва эътибор каби юксак қадриятларнинг яна бир бор намойиш бўлишига хизмат қилади.

## АНЖУМАН



## ОҚИБАТЛАР БИЛАН КУРАШИШ ЭМАС,

## ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан "Очиқлик ва халқ билан мулоқот – асосий мезон" мавзuida матбуот анжумани ўтказилди. Унда вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 2026 йил биринчи чорагида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш чора-тадбирлари ҳақида ахборот берилди.

– Ички ишлар органлари фаолиятида асосий урғу аҳолига ўз вақтида ва қонуний ёрдам кўрсатиш, муружаатлар билан ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилган, – дейди ички ишлар вазирлиги ўринбосари – Тергов департаменти раҳбари, полковник Рамазон Ашропов. – Шу билан бирга, қисқа вақт ичида мингдан ортиқ фуқаролар билан бевосита учрашувлар ўтказилиб, муружаатларнинг катта қисми жойида ҳал этилгани тизимда тезкорлик ва очиқлик тамойиллари устувор аҳамият касб этаётгани, марказдан туриб эмас, ҳудудларга тушиб ишлаш амалиёти кенгайганини кўрсатади.

Бугунги кунда республикамизда 8 минг 992 та маҳаллада бир нафардан, айримларида икки нафардан профилактика инспекторлари фаолият олиб бормоқда. Жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳудудларда хавфсиз муҳитни яратиш улар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шунга қўра, профилактика инспекторлари фуқароларни аввалгидек ички ишлар органларига олиб келиб, ортиқча вақт сарфлашларининг олдини олиш учун электрон ишлаш тизимига ўтилди.

Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ йўналишда ҳам аниқ ва манзилли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, жамоат жойларида ходимларнинг туну кун хизмати йўлга қўйилди, ҳар қандай ҳолатда фуқароларга ва сайёҳларга тезкорлик билан ёрдам кўрсатилиб, хавфсизликлари тўлиқ кафолатланмоқда. Ички ишлар органлари томонидан республикамиз ҳудудидаги мавжуд 11 минг 509 та туристик инфраструктура объектлари ишончли муҳофаза қилиниб келинмоқда.

Биринчи чоракнинг ўзида турли вазиятларга тушиб қолган 39 минг нафардан ортиқ хорижий, 103 минг нафардан кўпроқ маҳаллий сайёҳларга ўз вақтида, тезкор зарур ёрдамлар кўрсатилди. Натижада республикамиздаги йирик туризм объектларининг бирортасида ҳам жиноят содир этилмади.

Яна бир муҳим масала. Тазйик ва зўравонликдан жабрланган 29 минг 611 нафар хотин-қиз яна жиноят қурбони бўлмаслиги учун алоҳида кўриққа (химояга) олинди. Жамоат жойларида фуқароларнинг осойишталигига таҳдид солаётган 53 минг 926 нафар маст ҳолатдаги шахслар тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига жойлаштирилган бўлса, ота-онасининг назоратсиз кўчада юрган 1 минг 65 нафар бола аниқланиб, ўз оилалари бағрига қайтарилди. Кўча ва жамоат жойларида

аҳоли тинчлигини сақлаш мақсадида мингдан ортиқ йўналишларда патруль-пост хизмати ходимлари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳисобот даврида юртимизда 80 та уюшган жиноий гуруҳ аниқланиб, 211 нафар шахс жўлга олинган. Шу билан бирга, жорий йилнинг январь-март ойларида жами 6 минг 211 та олди олиниши мумкин бўлган жиноятлар содир этилган.

Жиноят турлари таҳлили гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолатлар устун эканини кўрсатиб, бу йўналишдаги хавф ҳали ҳам долзарблигича қолаётганини англатади. Шу боисдан, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 4 минг 80 та жиноят ишлари қўзғатилиши натижасида жиноий гуруҳ ва шахслардан 872 кг гиёҳвандлик воситалари, 33 кг синтетик моддалар ва 296 мингдан зиёд кучли таъсир қилувчи дорилар мусодара қилинган.

Тадбирда замонавий таҳдидга айланган кибержиноятчиликка қарши курашиш натижалари ҳам алоҳида қайд этилди. Бир чорак ичида 3 минг 554 та кибержиноят фош этилгани, 32 миллиард сўмлик маблағлар ноқонуний айланмасининг олди олингани, минглаб банк карталари блокляниши орқали фуқароларнинг молиявий хавфсизлиги таъминлангани рақамли хавфсизликни кафолатлаш бўйича ишлар изчил кучайтирилаётганини кўрсатади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида эса қарийб 2 миллионга яқин қондабузарлик аниқланган. Бу, ўз навбатида, йўл ҳаракати хавфсизлигида назорат тизими сезиларли кучайганини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, тезкор тузилмалар ва саф бўлинмаларининг хизмат фаолияти жараёнида тергов ҳамда суд органларидан яшириниб юрган 2 минг 193 нафар шахс ушланган. 171 нафар бедарак йўқолганлар топилди, оиласи бағрига қайтарилган. Этиборли жиҳати, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиздаги мавжуд маҳаллаларнинг 81 фоизи, яъни 7309 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган. Шу билан бирга жиноятлар қайд этилган маҳаллаларнинг 1497 таси (16,6 фоизи) «сарик», 186 таси (2,1 фоизи) «қизил» тоифага киритилган.

Вазир ўринбосари бурчига садоқат билан хизмат қилаётган ходимлар орасида тизимга доғ тушираётганлар ҳам борлигини инкор қилмади. Бу борада Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси томонидан аниқланаётган ҳар бир ҳолат очик ва шаффоф ҳолда вазирлиқнинг расмий саҳифалари орқали жамоатчиликка маълум қилинаётгани айтилди. Аниқ рақамларга муружаат қилсак, 2026 йилнинг январь-март ойларида ички ишлар ходимлари томонидан 36 та жиноят содир этилган. Хизмат интизомини кўпол равишда бузган 32 нафар ходим тизимдан бўшатишган.

Анжуманда нафақат статистик рақамлар, балки бу рақамлар ортидаги тизимли ёндашув, муаммолар ва уларнинг ечимлари очик муҳокама қилинди. Бугунги кунда тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, жиноятларни фош қилишдан кўра олдини олишга асосий урғу берилётгани ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир.

## ҲАМКОРИМИЗ

"Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ:

## "МЕНИНГ ТОМОРҚАМ" — ИННОВАЦИОН ПЛАТФОРМА

Банк секторида рақамли хизматларни ривожлантириш, молиявий технологияларни (FinTech) кенг йўлга қўйиш бугуннинг долзарб вазифаларидандир. Шундан келиб чиққан ҳолда, "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ҳам рақамли хизматлар сони ва сифатини оширишга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, банк юртимиз деҳқонлари ва томорқа эгаларига қўлайлик яратиш мақсадида "Ўзагростар холдинг" компанияси билан ҳамкорликда "Менинг томорқам" платформасини ишга туширди.

Ушбу платформанинг тақдимот маросимида Марказий банк ва тижорат банклари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ бошқаруви раҳбарияти ва таркибий тузилмалар масъул ходимлари, "Ўзагростар холдинг" компанияси, "BRB TECH" МЧЖ, Тошкент

орқали хавфсиз ва кафолатланган тарзда амалга ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, логистика хизмати модули орқали харид қилинган маҳсулотларни "Эшиқдан-эшиқкача" етказиб бериш учун онлайн ариза топшириш ҳамда логистика харажатларини олдидан ҳисоблаш имконияти мавжуд. "Аризалар" бўлими орқали фойдаланувчилар кредит олиш ва "Ўзагростар холдинг" хизматларидан фойдаланиш учун муружаат юборишлари мумкин.

Бундан ташқари, платформада "Эълонлар" бўлими бўлиб, унда хизматлар, маҳсулотлар, иш ўринлари ҳамда резюмеларни жойлаштириш ўзига хос қўлайликни тақдим этади. "Таълим" бўлими эса онлайн курслар, агро-кутубхона, илмий-амалий мақолалар, вебинар ва семинарлар орқали фойдаланувчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилади.

"Ўзагростар холдинг" компанияси муассислигида ташкил этилган ихтисослашган компаниялар томонидан

томорқа эгалари ва деҳқон хўжаликлари қисмида маълумотларни киритиш, таҳлил қилиш ҳамда юритиш имконини берувчи алоҳида модул ҳам ишлаб чиқилган.

Қолаверса, ихтисослашган компаниялар учун шахсий кабинетлар яратилган. Ушбу электрон платформалар орқали томорқа эгалари ва деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар, ер майдонлари ва иссиқхоналар ҳажми, экин турлари, ҳосилдорлик кўрсаткичлари, сотув ва экспорт ҳажмларининг ўсиш кўрсаткичлари ва бошқа маълумотлар тизимлаштирилган ҳолда юритилади.

Платформанинг мобил иловасига эса уруғ, ўғит, сув ва майдон ҳажмини ҳисоблаш имконини берадиган махсус ҳисоблаш калькулятори функцияси киритилган.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, жисмоний шахслар биллинг тизими орқали тўловларни амалга ошириш, мобил илова орқали бириктирилган банк карталарини қўшиш, виртуал карта очиб ва банк картасига буюртма бериш имкониятига эга. Шунингдек, ҳисоб рақамини "Е-POS" тизими орқали тўлдириш ва ундан маблағларни ечиб олиш функциялари ҳам йўлга қўйилган.

"Менинг томорқам" платформаси "Кибрхавфсизлик маркази" ДУК томонидан 3 та босқичли экспертзадан ўтказилиб, ижобий хулоса олинган. Унинг ишга туширилиши томорқа эр эгалари ва деҳқон хўжаликларини комплекс қўллаб-қувватлаш, уларнинг молиявий ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим кадам бўлди.

Тадбир доирасида "Ўзагростар холдинг" муассислигидаги "Агростар консалтинг" ва 21 та ихтисослашган компаниялар томонидан тадбиркорлар билан ҳамкорликда тайёрланган миллий бренд остидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Тоштемир МУРОД



"Mening tomorqam" platformasi va mobil ilovasi taqdimoti bo'lib o'tdi

давлат аграр университети, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давлат раҳбарининг 2025 йил 14 февралдаги "Томорқа эр эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилган ҳолда томорқа ва узоқ муддатли ижарага берилган эр эгаларига онлайн маслаҳат ва маълумот олиш, молиявий хизматлардан фойдаланиш ҳамда маҳсулотларни сотиш бўйича ягона хизмат кўрсатиш ва мониторинг қилиш платформасини ишга тушириш вазифаси белгиланган.

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида "Менинг томорқам" платформасида фойдаланувчилар учун бир қатор қўлай ва замонавий модулар ишлаб чиқилган. Тақдимотда платформанинг имкониятлари, функционал ечимлари ҳамда амалий аҳамияти ҳақида батафсил ахборот берилди.

Хусусан, "Marketpleys" модули орқали маҳсулотларни сотиш ва харид қилиш, кенг каталогдан фойдаланиш, қўлай қидирув ҳамда филтрлар ёрдамида керакли маҳсулотни тез топиш имконияти яратилган. "Eskrou va billing" тизими эса фойдаланувчиларга шахсий ҳамён очиб, тўловларни платформа

## ТЕХНОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТ



Ёдингизда бўлса, шу йилнинг 16 февраль кунин Президент Шавкат Мирзиёев сунъий йўлдошни коинотга учирши ва биринчи ўзбек космонавтини тайёрлаш ишларининг дастлабки босқичлари тақдимоти билан танишган ва унда 2028 йилда 6U форматдаги "Мирзо Улуғбек" илмий сунъий йўлдошини учирши таклиф қилинган эди.

– "Мирзо Улуғбек" дея ном берилган ва 6U форматини 6U кўринишида бўлган илмий сунъий йўлдош Ер юзасини масофадан зондлаш, илмий тажрибалар ва космик технологияларни синовдан ўтказиш вазифаларини бажаради, – дейди "Ўзбеккосмос" (Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги) матбуот котиби Акмал Назаров. – Бу лойиҳа

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК ИЛМИЙ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИ 2028 ЙИЛДА ФАЗОГА УЧИРИЛАДИ

орқали нафақат техник қурилма яратиш, балки инсон капиталини шакллантириш ҳам мақсад қилинган. Яъни комплекс дастурда Японияга магистратура босқичида ўқишга юборилган талабаларимиз мазкур жараённинг муҳим бўғини сифатида кўрилмоқда.

Маълумки, Япония кичик ўлчамли сунъий йўлдошлар, хусусан, CubeSat платформалари бўйича катта тажрибага эга. Талабаларимиз у ерда сунъий йўлдошларни лойиҳалаш, йиғиш, синовдан ўтказиш ва орбитадаги бошқарув жараёнлари бўйича амалий билим ва кўникмаларга эга бўлишмоқда.

2028 йилга мўлжалланган илк илмий сунъий йўлдош лойиҳасида маҳаллий мутахассислар фаол иштирок этади. Хорижда таҳсил олаётган ёшлар қайтиб келгач, конструктив дизайн, тизимли муҳандислик, дастурий таъминот ва фойдала юклама ишлаб чиқиш жараёнларига жалб қилинади. Бу ерда асосий мақсад – тайёр маҳсулотни сотиб олиш эмас, балки технологияни

ўзлаштириш ва миллий мактабни шакллантиришдир. Қисқача айтганда, бу лойиҳа сунъий йўлдош учирши билан бирга, "ёш космик муҳандислар авлоди"ни яратишга хизмат қилади.

Бугунги кунда космик дастурлар фақат имиж масаласи эмас. Улар инновацион ривожланиш, технологиялар трансфери ва илмий салоҳиятни оширишга хизмат қилиши керак. Айни дамда биринчи ўзбек космонавтининг парвозига тайёргарлик кўриляпти. Дастлабки босқичда у 10-14 кунга мўлжалланмоқда. Қисқа муддатли парвоз доирасида миллий фазогир халқаро космик станцияда илмий тажрибалар ўтказиши, биология, материалшунослик ва тиббиёт соҳаларидаги тадқиқотларда иштирок этиши мумкин. Бу эса маҳаллий олимларимизни глобал илмий ҳамжамиятга янада яқинлаштиради.

Шунингдек, бу ташаббус ёшлар орасида STEM йўналишларига қизиқишни оширишга хизмат қилади. Космик парвозга

тайёргарлик кўп босқичли ва мураккаб жараён ҳисобланади. Аввало, номзодларни саралаш, чуқурлаштирилган тиббий кўрик ва психологик баҳолаш ишлари олиб борилади. Сўнгра жисмоний ва назарий тайёргарлик босқичи бошланади. Кейинги босқичда халқаро космик марказларда махсус амалий тайёргарлик ўтилади. Бу жараёнда етакчи космик агентликлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади. Чунки инсонни космосга тайёрлаш катта тажриба ва юқори технологияларни талаб этади.

Яна бир муҳим жиҳат. Мамлакатимизнинг биринчи сунъий йўлдошига "Мирзо Улуғбек" номи берилиши чуқур рамзий ва тарихий аҳамиятга эга қарордир. Мирзо Улуғбек нафақат буюк давлат арбоби, балки ўз даврининг йирик астроном олими бўлган. У XV асда Улуғбек расадхонасини барпо этиб, юлдузлар ҳаракати ва осмон жисмларини илмий асосда ўрганган. Бугунги кунда биз замонавий космик

технологиялар орқали фазони ўрганаётган бўлсак, бу – аждодларимиз бошлаб берган илмий анъаналарнинг мантиқий давомидир.

Бу шунини кўрсатадики, Ўзбекистоннинг космик амбициялари тасодифий эмас, улар асрлар давомида шаклланган илмий тафаккур ва астрономик мактабга таянади.

Кўпчиликни Ўзбекистоннинг биринчи космонавти ким бўлиши мумкинлиги қизиқтиради. Очигини айтсак, космос гендерга қарамайди. У ерда энг муҳими – билим, соғлиқ, метин ирода ва темир интизом. Шунинг учун биринчи космонавтимиз аёл бўладики ёки эркак – буни вақт ва танлов натижалари кўрсатади. Биз учун асосий мезон – профессионал тайёргарлик, психологик барқарорлик ва илмий салоҳият. Энг муҳими, бу тарихий парвоз бутун халқимизники бўлади.

"Ўзбекистон овози" муҳбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

# ВОДИЙ ДАРВОЗАСИ, ГУЛЛАР ДИЁРИ БЎЙЛАБ...

► (Давоми. Боши 1-бетда)

**Ранг – баранг гулларга бурканган, боғлари бўстонга айланган, гулшану гузарлар жаннатмонанд тус олган, равон йўллардан одамлар маҳалла – маҳалла бўлиб, туман марказидаги Исҳоқхон Тўра Ибрат номидаги мухташам боғ томон келишмоқда. Карнай-сурнай садолари гул шоҳида чаҳ-чаҳ урган қушлар навосига жўравоз янграмоқда.**

Юртимизда меҳру саховат тадбирлари йил бўйи давом этади. Кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий дафтларга киритилган ва кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида биз ҳам хонадонларга кириб бордик. Ётоқ беморлар, ногиронлиги борлиги учун катта майдонларга, боғлар ва концерт саройларига бора олмайдиган юртдошларимизнинг уйларида йўқлаб кириш одат тусига

дан ортиқ мактаблар учун "Маънавий методология маркази" ҳисобланади. Мактаб томонидан йўлга қўйилган, ёшларнинг бадиий диди ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган китобхонлик тадбирлари мутолаа муҳитини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Маънавий юксалиш меҳнатга иштиёқ, яратувчанликка интилишда намоён бўлади. Биргина Тўрақўрғон туманида кичик ва ёшлар санаят зоналарининг самарадорлиги ортаётгани амалий натижаларда кўзга кўринмоқда. Кичик санаят зоналари маҳаллий аҳолининг бандлиги, оилалар даромади ва

Маънавият тарғиботчилари замондан бир неча қадам илгари юриши муҳимлигини ҳисобга олган Маънавият ва маърифат маркази Наманган вилоят бўлими қошида "Анор медиа" студияси иш бошлаган. Ушбу студия томонидан "Наманган тажрибаси" сифатида оммалаштирилган "Устозга эҳтиром", "Инсон қадри", "Ибратли контентлар", "Энг маънавиятли маҳалла раиси", «Энг маънавиятли мактаб директори», "Энг фаол китобхон", "Энг маънавиятли китобхон оила" каби онлайн лойиҳалар республика миқёсига олиб чиқилди. "Маънавият стипендияси" жорий этилиб, "Энг маънавиятли ёш ўқитувчи" "Энг маърифатли ва билимдон ўқувчи", "Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон ёшлари нигоҳида" каби танловлар ғолиб ва совриндорлари муносиб тақдирланмоқда.

Маънавият ва маърифат маркази Наманган вилоят бўлими раҳбари Мусахон Аппаковнинг айтишича, Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан чоп этилган "Миллий қадриятлар атласи" китоб-альбомининг яратилиши ҳам миллий маънавиятимиз, кўхна тарихимиз, азиз аجدодларимизнинг ёрқин хотирасига эҳтиром рамзи сифатида намоён бўлди. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос анъаналари, ахлоқий қадриятлари жамланган ушбу китоб-альбомда Наманганда асрлардан-асрларга сақлаб келинаётган урф-одатлар, Чуст пичоғи, Ўч дўпписи, фақатгина Наманган аҳолисига хос миллий кийимлар жой олгани диққатга сазовордир.

Наманган шахрига туташ Давлатобод туманида замонавий архитектура талабларидан келиб чиққан ҳолда бунёд этилган "Янги Ўзбекистон — Ёшлар зиё маскани" ахборот-кутубхона маркази вилоятнинг ўзига хос "таширф қоғозлари"дан бирига айланган. Давлатободлик ёшларнинг илм-маърифатда эришаётган ютуқларида мана шундай маънавият ўчоғларининг ўрни беқиёс.

Тумандаги "Янги Ўзбекистон боғи"да эса илк бор "Маънавият ва миллий қадриятлар йўлағи" ташкил этилгани диққатимизни тортди. Энди бу йўлда йил давомида, узлуқсиз маънавий лойиҳалар намойиш этилади. Шу орқали ёш авлод ҳар қадамда буюк мутафаккир боболаримиз – Ибрат Чўлпон, Абдулла Қодирий, Бехбудий, Фитрат сингари жадидларимиз ҳаёти ва уларнинг

бой маънавий-илмий мероси билан таништириб борилади.

## ҚАДР ДАРЭСИДАН СУВ ИЧАР ИНСОН!

Қадр устувор бўлган юртда ҳеч ким ўз муаммолари гирдобиде ёлғиз қолмайди. Шу маънода юртимизда "Инсон қадри учун" ғояси кенг қамровли ислохотларга чуқур синдирилиб, давлат ва жамият ҳаётида бош қадриятга айлангани пировардида ижтимоий сиёсатнинг натижадорлигини таъминламоқда. Худди шу қадриятни ўзига шиор қилиб олган наманганликлар аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлашда ибрат мактабини яратаяпти, десак янглишмаймиз.

Мисол учун, вилоятда ҳар йили уй-жойга муҳтож оилалар ҳар тарафлама ўрганилиб, маҳалла ва жамоатчилик ҳулосасига кўра, бепул уй-жой билан таъминланади. Бу йил ана шундай уй-жой билан таъминланганлар қаторида 10 нафар маданият, санъат ва ижод соҳаси вакиллари ҳам бор.

Журналист-манбашунос, "Наманган садоси" газетаси мухбири Раҳимжон Ирисов бу қувончли воқеани эслар экан, шундай дейди: "Қалам аҳлининг сўздан ўзга иш қуроли йўқ. Шу соҳада ризқ топиб, рўзғор тебратиб келдим-у, лекин битта ватанли бўлиш (уйли демокчи!) учун кўлим калталиқ килди. Ёшим 67 га етганда уй билан таъминланиш насиб этди. Энди менинг ўз уйим, ижодхонам бор".

Наманган вилояти мусиқали драма театри вокал артисти Равшаной Ражаббоева ҳам янги уйли бўлганлардан бири.

-Кетма-кет туғилган фарзандларимиз парвариши, рўзғор таъминоти билан бўлиб, алоҳида уй-жой қура олмадик, - дейди Равшаной. - Уйсизлик жуда оғир. Фарзандларим ақлини таний бошлагач, ўз уйимиз йўқлигидан кўнгиллари ўқсганини сезардим. Ижара уйининг тўлови ҳар ойда топган пулимизнинг ярмини «ўпириб» кетар эди. Турмиш ўртоғим ҳам, ўзим ҳам тинимсиз меҳнат қилсак-да, уй-жой учун маблаг йиғолмадик. Не бахтки,

юртимизда "Инсон қадри учун" ғояси асосида олиб борилаётган ислохотлар тафти бизнинг оиламизнинг ҳам ҳаётини нурларга тўлдирди. Биз Наманган шаҳри марказида барпо этилган янги хонадонлардан бирига эга бўлдик. Уша кун нафақат мен, балки театринг жамоаси учун ҳам катта шодийнага айланди.

\*\*\*

"Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоларининг Намаган сафари унутилмас таассуротларга бой бўлди.

Президентимиз раислигида аҳоли муурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси билан танишиш ва, табиийки, маънавий кўмак бериш учун туманларга бўлинди.

Ҳар бир муурожаат ортида инсон қадри туради. Ёрдамга муҳтожнинг борадиган жойи, аввало, маҳалла. Янги Наманган тумани "Чаманзор" маҳалласида бўлиб, аҳоли муурожаатлари билан ишлаш бўйича "маҳалла еттилиги" ишлари билан танишидик.

Маҳалла раиси Маҳмуда Насриддинова томонидан аҳоли муурожаатлари билан ишлаш тизими мукамал ташкил этилганига гувоҳ бўлдик.

- Бизнинг маҳаллада муурожаат тушган кунидек ўрганишга киришилди. Муаммони бир кун ҳам орқага сурмасликка, қонуний ечим топишга ҳаракат қиламиз. Тезкорлик ва адолат – бизнинг касбий тамойилларимиздир, - дейди маҳалла раиси.

Намангандан қайтар эканмиз, умрини тиббиётга бағишлаган Ўзбекистон Қаҳрамони Ойшахон Қўчқорованинг "Тез-тез келиб турунглр вилоятимизга. Ёшларимиз учун ҳам бундай тадбирлар жуда керак", деган сўзлари кела-келгунча қулғоғимиз остида жаранглаб турди.

Ҳа, биз, албатта, қайтамыз сенга – гуллар юрти, меҳрлар юрти, афсоналар водийси — Наманган!

**Зулфия МЎМИНОВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими,  
"Маърифат" тарғиботчилар  
жамияти аъзоси.**



айланган. Маҳаллалар аҳли бизни таниб, ҳамроҳ бўлишади. Умр бўйи телевизор экранида томоша қилган актёрлари, хонадалари, шoirларини хонадонида кўрган одамнинг қувончини таърифлашга сўз ожиз. Савобнинг қаноти бунчалар кенг, дийдори иссиқ, ёғдули эканни бу тадбирларда иштирок этганлар билади.

Янги Ўзбекистонимиз маънавий пойдеворининг нақадар мустаҳкамлиги Наманганда ҳам яққол кўзга ташланади. Қадимдан илму ирфон маскани бўлган бу заминда Ахсикент ва Исҳоқхон Ибрат мажмуалари маданий-тарихий кластерга айлантирилиб, Ахсикент археологик мерос объектлари йирик қурилиш ва илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Бу ерда очилган очик осмон остидаги музей аҳолимиз, айниқса, ёшларимиз учун мисоли "жонли тарих" макони. Айтишларича, охириги уч йилда бу ерга 1,5 миллиондан ортиқ ёшлар таширф биурибди.

Исҳоқхон Ибрат ижод мактаби вилоятдаги 700

фаровонлиги ошишига хизмат қилаётган бўлса, ёшлар санаят зоналари ғайратли, шижоатли йигит-қизларнинг янги ғоя ва ташаббуслари майдонига айланган.

Тўрақўрғондан Наманган шахрига йўл оламиз. Шаҳар марказида шу эл фарзанди, оташин шоир Усмон Носир хайкали барпо этилиб, унинг номидаги маҳаллада музей ташкил қилинганини кўрдик. Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан бунёд этилган боғ ва шоирнинг мухташам хайкали пойида ўтаётган шеърят байрамларида "Унутмас мени боғим" деган сатрлари йиллар силсиласи аро акс-садо бериб турибди.

Тошкентдан борган "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоларининг Наманган шахридаги "Ўн бир Аҳмад", "Мавлавий Намонгоний" зиёратгоҳларидаги, "Уч фаввора", "Адиблар хиёбони"да азиз нурунийлар ва ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувлари самимий руҳда кечди.

## ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

Ҳозирги кунда Термиз муҳандислик-технология институтида 27 та таълим йўналиши бўйича минглаб талабалар тахсил олмоқда. Кўркам ва мухташам муассасада замонавий илмий-тадқиқот майдончалари ташкил этилган. Автомобиль хўжалиги, электр энергетикаси, экология, қурилиш материаллари лаборатория хоналари ишлаб турибди. Ахборот-ресурс марказида кенг иқомиятлар яратилган. Минглаб босма ва электрон адабиётлар давомчиларимизнинг маънавий камолотида мустаҳкам пойдевор бўлаётгани табиий.

– Ёшлар миллат келажаги ва юрт таянчидир, – дейди Ўзбекистон ХДП Термиз шаҳар кенгаши раиси Зарнигор Дониёрова. – Уларнинг етуқ инсонлар бўлиб вояга етишлари учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилган. Жонажон юртимизнинг ривожланиши ва тараққиётида ёш партиядошларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётгани янада қувонарли. Маълумки, жорий йил мамлакатимизда

## ҚИРҚ НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗ САФИМИЗГА ҚЎШИЛДИ

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили, деб эълон қилинди. Шунга асосан туман ҳокимлиги, тиббиёт бирлашмаси, мактабгача ва мактаб таълими бўлими каби ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Термиз муҳандислик-технология институтини ҳам ана шундай жамоалардан ҳисобланади. Олий таълим даргоҳида "Янги Ўзбекистон – ёшлар қўлида", "Ўзбекистон – 2030 стратегияси", "Ёшлар муаммосини ўрганиш – давр талаби", "Ўзбекистонни ҳеч кимга бермаймиз", "Янги иш ўринлари – фаровонлик қафолати", "Гиёҳвандлик – иллат", "Коррупция – тараққиёт қушандаси" ва бошқа мавзуларда қатор тадбирлар ташкил қилинди. Учрашув ва семинарлар ўтказиш анъанага айланган.

Хайрли иш ва эзгу амаллар натижаси ўлароқ партияимизга қизикувчилар кўпаймоқда. Изланувчан йигит-қизлар сафи тобора кенгаётгани қувонарли. Янгиликка интилувчан ва фидойи талабаларнинг қирқ нафари яқинда сафимизга қабул қилингани ҳам бунинг



амалий исботидир. – Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти билан танишганимиздан кейин биз, бир гуруҳ ёшлар Ўзбекистон ХДПни


танладик, – дейди Термиз муҳандислик-технология институтини талабаси Отабек Жалилов. – Тантанали равишда партия билетлари топширилди. Қимматбаҳо ва эсдалик совғаларини олдик. Масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилган ҳолда ишончли оқлашга ҳаракат қиламиз.

– Тезкор даврда яшаймиз, – давом этади ёш партиядошларимиздан яна бири Азизбек Талиев. – Замон шиддат билан ривожланмоқда. Соҳа ва йўналишларда тараққиёт ҳамда ўзгаришларни кузатиш мумкин. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, янги иш жойлари ташкил қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва бошқа муаммоларни бартараф этишда олдинги сафларда бўлсак, албатта, одамлар бизга эргашиди. Келажакка бўлган ишонч ошиши табиий. Бунинг учун замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиш фаолиятимиз мезонига айланиши лозим.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
"Ўзбекистон овози" мухбири.**

## ТАРИХ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

## ЎТМИШДА ҚОЛГАН ХАТАР



«Дарёнинг ўртасида санг боради-санг келади,  
Санг билан саккиз ўрдак тенг боради-тенг келади...»

Халқ кўшиқларидаги ушбу сатрлар бир пайтлари ўзининг асволиги билан дунё жўрофларини лол қолдирган Амударёнинг ўтмишини аниқлаётган бўлади. Бу лапарни тингларкансиз, беихтиёр кўз ўнгингизда ўзанлари тўлиб, суришиб келаётган катта-катта муз бўлаклари пайдо бўлади. Одатда Оролбўйи халқлари ана шу муз бўлакларини ҳарсангдошдек бўлгани боис «санг» деб аташган. Аслида ҳам бу муз парчалари ҳарсангтошлардан кўпроқ хавфли ва зарарли саналган.

Амударё Марказий Осиё, хусусан, мамлакатимиз ўтмишининг ажралмас бир қисмидир. Жуда қадим замонлардан бери тарихчилар, сайёҳ ва адиблар у ҳақида бир-бирдан қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдиришган. Тарих отаси Геродотдан тортиб XIX аср охири-XX аср бошларида яшаб ўтган Муҳаммад Юсуф Баёний каби муаррихларнинг асарларида Амударё ҳақида битикларни ўқишимиз мумкин. Барчасидан ҳам X асрда яшаб ижод қилган араб адиби Абу Наср ас-Саолибийнинг «Йатимат ад-даҳр» қомусий асаридagi маълумотлар жуда қизиқарли. Адиб бу асарда қиш фаслида Амударёнинг музлаши ва хатто устидан фил ва туялардан иборат карвонлар ўтиши ҳақида ёзади.

Бугунги ёш авлод бу битикларни ўқиб ҳайратланиши табиий. Боиси, дарё суви оғир юк ортилган карвонларни кўтардиган даражада музлаши афсонага ўхшаб туюлади. Чунки кейинги чорак аср давомида бундай ҳолат кузатилмагани барчамизга яхши маълум. Бироқ Амударё суви XX асрнинг 70-80 йилларида ҳам қаттиқ музлаб, устидан машиналар ўтиб – қайтгани ҳақиқат. Ўша пайтлари Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятини боғловчи кўприк қурилмагани сабаб икки ҳудуд аҳолиси ўзаро борди-келдиларда жуда қийинчиликларга дуч келишарди. Фақатгина икки-учта жойида пантон кўприк бўлар ва улар ҳам катта-катта юк машиналарини ўтказишга мўлжалланмагани боис дарё суви музлаган пайтлари ёпиб қўйиларди. Қуда-анда бўлишни режалаштирган одамлар юзлаб чақирим масофани босиб ўтиб, Тахитов ёки Туямўйин гидроузеллари қад ростлаган тўғон томонлардан борди-келди қилишарди. Баъзан бу қийинчиликларга қўл силтаб, яқин йўлни танлаб муз устидан кечмоқчи бўлганларни жожа кутиб олган ҳолатлари ҳам бўлган. Муз ёрилиб, машинаси билан сув тубига чўкиб кетганлар ҳақида ҳар қиш мавсумида шумхабарлар тарқаларди.

Эсимда, 1986 йилнинг февраль ойида бошқа қишлоқдан синфимизга келиб ўқиётган Сайёра исмли қизнинг ота-ониси Хоразмдан Тўртқўлга тўйга бораётганида муз устидан ўтаётди дарёга ғарқ бўлишган эди. Келин-куёвлар ўтирган машиналар сувга чўкиб кетгани ҳақидаги хабарларни эшитиб, «Наҳотки дарё устига кўприк қуриш шунчалик қийин бўлса?» деб ўйлардик. Асов дарё устидан мустақкам кўприк қурилишини орзу қилардик. Маҳаллий элнинг бу орзуси фақат ва фақат мамлакатимиз мустақилликка эришгачина рўйга чиқди. Дарёнинг ўнг ва чап томонларини бир-бирига боғловчи кўприклар қурилади бошланди. Дастлаб «Ҳазорасп-Мискин», сўнгра «Урганч-Беруний» кўприкларини барпо қилинди. Икки йил муқаддам эса Қорақалпоғистоннинг Амударё

туманида яна бир муҳташам кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Сўнги қад ростлаган кўприк поезд ва автомобиллар ўтиб-қайтишига мўлжалланган бўлиб, мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга объект саналади. Бу кўприк туфайли эндиликда эллар ва диллар бирлашмоқда...

Болагимизда қиш кунлари тонгда гумбурлаган овоздан уйғониб кетардик. Бу овоз кундан эшик гийқиллаб очилар, деразалар титрарди.

– Қўрқманглар, аскарлар дарёга бомба ташлашпти, – дерди бизнинг олазарак бўлиб қараб турганимизни кўриб отамиз.

Нима учун дарёни бомбалашаётганини сўраганимизда отам «Тошқин бўлмаслиги учун», дея қисқагина жавоб берарди. Ёшимиз ўсмирликка етгач, жамоа ҳўжалиги ишчиси сифатида дарё қайирларига борганимизда ўша бомбалаш жараёнларига бевосита гувоҳ ҳам бўлдик. Билишимча, бомбалаш натижасида дарё ўзанига тикилиб қолган муз бўлаклари майдаланиб, сувнинг равои оқишига замин яратилар экан.

– Бомбалашмас, нақ шўримизга шўрва тўкилади, дарё ўзанига муз тикилгач, сув қаердан оқишни билмай тошқин юзага келади, икки қирғоқдаги қишлоқларни дағиш вайрон қилади, – дер эди бригада бошлиги Сатторберди Қодиров.

Дағиш – муз ёрилиши натижасида юзага келадиган қирғоқ ўпирилиши, фалокатли тошқиннинг юзага келишидир аслида. Қозоқ ва қорақалпоқлар бу ҳодисани «деғиш» ёки «де:иш» деб аташади.

Қуйи Амударё минтақасида дағиш ўтмишда одамлар кўпроқ хавфсираган улкан хатарлардан бири саналган. Қиш тугаб, баҳор келиши билан бу хавф янада ортган, чунки унинг қачон ва қай ҳолатда юз беришини ҳеч ким олдиндан айтиб беролмаган. Гарчи шундай бўлса-да, Хива хонлиги давридаёқ бундай офатларнинг олдини олиш мақсадида маълум бир чора-тадбирлар амалга оширилган. Дарё қирғоқлари бўйлаб «қайчи» деб номланган икки-уч қаторли рош ва дамбалар тикланган ва уларнинг ҳам ювиб кетилмаслиги учун шох-шаббалар билан мустақкамлаб чиқилган. Ҳар бир рош ва дамбаларнинг оралиги 500 метрдан иборат бўлган. Бу рош ва дамбалар бежиз «қайчи» деб аталмаган, чунки у сув тошқиндек катта хавфини қайчилаб, тўсиб турган.

Хоразм вилояти Богот ва Ҳазорасп туманларининг Амударёга яқин ҳудудларида ҳозир ҳам «Хонқайчи» деб номланган дамбалар сақланиб қолган бўлиб, айтишларича, уни Хива хонлари барпо этишган экан.

Қадрларнинг ўз ўрнига қўйилмагани ажри 1934 йилга келиб катта тоvon билан тўланади: Амударё ўзанига муз парчаларининг тикилиб уюлиб қолиши оқибатида ҳар иккала қирғоқда фалокатли тошқинлар юзага келади. Тўртқўл шахрини тамомила сув ювиб кетади. Ўша даврдаги тошқин ниҳоятли дахшатли туш олгани боис маҳаллий ҳукумат марказдан (Москвадан) ва Тошкентдан тегишли мулозимлар ва ёрдამчи кучларни чақиритишга мажбур бўлади. Зарур чоралар кўрилмаса, Шаббоз (ҳозирги Беруний шаҳри), Урганч шаҳри ва Гурлан туманлари сув остида қолиши турган гап эди. Бироқ марказдан етиб келган масъуллар ҳам аниқ бир чорани қўллаш олишмайди. Бутун Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг меҳнатга яроқли эрқагу аёллари қўлида

кетмон ва белкурак кўтарганча дарё қирғоғида жон-жаҳди билан ишлади. Қопларга тўпроқ тўлдириб, рош ва дамбаларни мустақкамлашга ҳаракат қилишади. Лекин қўл кучи билан қилинган бу чора-тадбирлар қудратли асов дарёнинг ҳамласи олдида ҳеч гап эмас эди.

Ана шундай қалтис вазиятда ҳукумат масъуллари Муҳаммад Аминаддин ўғлини излаб топишади. Ўз даврининг маърифатли кишиси бўлган Муҳаммад Аминаддин ўғли XIX асрнинг охириларида Франциянинг Тулуза шаҳрида гидромелиорацияга ихтисослашган коллежда таълим олган тажрибали ирригатор эди. 1924 йилда Ўзбекистон таркибида Хоразм округи ташкил қилинган, Муҳаммад Аминаддин ўғли дарё қирғоғини бошқарувчи УПРАДИС ташкилотига раҳбар қилиб тайинланади. Кейинчалик у «Дағишстрой» идорасида ишлади. Кўп ўтмай воҳадаги сув ҳўжалиги идораларига марказдан номутахассис кадрлар чақиритилиб, ишга тайинланади. Ўз соҳасининг билимдони бўлган мохир ирригатор Муҳаммад Аминаддин ўғли эса жамоа ҳўжалигида оддий мироб бўлиб ишлаш бошлади.

Хуллас, Муҳаммад Аминаддин ўғли дарҳол дағишни бартараф этиш ишларига киришиб кетади. Таниқли адиб Рўзимбой Ҳасаннинг «Кечув» романи ва тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Умид Бекмуҳаммаднинг «Хоразмнинг биринчи ирригатори» мақоласида Муҳаммад Аминаддин ўғли қадимий усуллар билан ушбу дағиш хавфини қандай бартараф қилгани келтирилади.

Маълум бўлишича, ўша жараёнда собиқ мироб қадимий «вард» усулини қўллаш орқали дағиш ҳамласини қайтаришга эришган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, қатор тарихий-бадий асарлар муаллифи, 86 ёшли Ортиқбой Мангибоев «вард» усули ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

– Бунда гуҷум ва тут дарахтидан кесиб олинган узун-узун ёғочлар панжарасимон шаклда бир-бирига маҳкам боғланади ва ҳар бир катак қалин арқон ёки симтўрлар билан тўкиб чиқилади. Сўнгра ёнтоқ, яқан, қамиш, сомон каби хас-чўп тўшалади ва унинг устига тош ётқизилади ҳамда сол каби қирғоққа жойлаштирилади. Тош билан тўлғазилгани сабаб вард жойлаштирилган жойида ўрнашиб қолади ва келиб урилаётган муз бўлақларни парчалаб, майдалаб юбораверади.

Дарвоқе, «вард» сўзи қадимий хоразмийлар тилида «қатма-қат» деган маънони аниқлар экан.

1934 йилги дағиш Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг иқтисодида салбий таъсир кўрсатган. Кўплаб экин майдонлари, овуллар сув босиши оқибатида вайрон бўлган. Қорақалпоғистоннинг дастлабки пойтахти бўлган Тўртқўл шаҳрига 500-800 метр яқинлашиб оқа бошлаган дарё эса тобора ўнг қирғоғини емириб борарди. Шунинг учун шаҳар янги жойга кўчирилади.

Кейинчалик ҳам дағиш воҳага катта талофатлар етказиб турган. Иккинчи жаҳон уруши даврида ишга яроқли эрқақларнинг жанггоҳларга жўнаб кетгани, техник воситаларнинг етишмаслиги сабаб дағиш билан курашиш имкони бўлмаган. Одамлар унинг ҳамласидан хавфсиз ҳудудларга кўчиб ўтиш орқалигина паноҳ топган.

1960-йилларга келиб дағиш хатари янада ошади. 1969 йил 13 мартда дағиш туфайли содир бўлган тошқинда ҳозирги Беруний шаҳри ва унинг атрофидаги қатор қишлоқларни сув босган. Хоразм вилояти Эшимжирон қишлоғидаги пристан эса тамомила сувга ғарқ бўлган.

Кейинчалик эса табиатга нисбатан тартибсиз, кўр-кўрона муносабат, пахта экиш мақсадида кўриқ ерларнинг ортиқча ўзлаштирилиши оқибатида Амударёнинг суви йилдан-йилга камайиб кетди, ҳатто Оролга сув бормади қўйди. Асов дарёнинг шашти тинди. Унинг ҳайқириклари, арслон каби шижоати ўтмишларда қолиб кетди.


Бугунги ёшларимиз Амударё тарихига оид бу воқеаларни билишлари керак, албатта.

Эрпўлат БАХТ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

## ХОРИЖ

## “АРТЕМИДА-2” АСТРОНАВТЛАРИ ЕРГА ҚАЙТДИ

Ой атрофидаги “NASA”нинг “Артемидида-2” парвоз миссиясини яқунлаган “Орион” кемасининг тўрт нафар астронавти Ерга қайтди. Улар Калифорниянинг Сан-Диего шаҳри соҳиллари яқинидаги Тинч океанига муваффақиятли қўнди.



Бортда “NASA” астронавти Рид Уайзман, Виктор Гловер ва Кристина Кук, шунингдек, Канада космик агентлиги астронавти Жереми Хансен бўлган “Орион” кемаси АҚШнинг шарқий соҳилидан 1 апрель кунини парвозини бошлаган эди. Беш кундан сўнгра, 6 апрель оқшомида “Артемидида-2” экипажи ой кузатуви босқичини яқунлаб, Ерга қайтишни бошлаган.

Ой миссияси давомида инсоннинг космосда Ердан энг узоқ масофага бориши бўйича янги рекорд ўрнатилди – астронавтлар Ердан 407 минг километр узоқлашиб, шу тариқа улар 1970 йилдаги “Аполлон-13” миссияси давомида қайд этилган рекордни янгиланган.

## ВЕНГРИЯДА СИЁСИЙ ИНҚИЛОБ

16 йил давомида ҳокимият тепасида турган Бош вазир Виктор Орбан мағлуб бўлди. Венгрияда бўлиб ўтган парламент сайловларида муҳолифатдаги “Тиса” партияси ғалаба қозонди. Яъни мамлакатда бўлиб ўтган сайлов тарихий натижа билан яқунланди. Бош вазир Виктор Орбаннинг ўрнини муҳолифатдаги “Тиса” партияси етакчиси Петер Мадьяр эгаллади. Овоз беришда қатнашиш даражаси 77,8 фоизни ташкил этиб, мамлакат тарихидаги энг юқори кўрсаткич қайд этилди.



Ғалабадан сўнгра Мадьяр бу ғалаба нафақат партияники, балки бутун Венгрияники эканини маълум қилди. Шунингдек, у ўз сиёсий йўналишини очик айтиб, Венгрияни яна Европа Иттифоқи ва НАТО билан яқин ҳамкор давлатга айлантиришни билдирди. Шунингдек, давлат бошқарувида мувозанатни тиклаш, коррупцияга қарши қатъий кураш олиб боришга ваъда берди.

## АВСТРАЛИЯДА ИЛК БОР АРМИЯГА АЁЛ РАҲБАРЛИК ҚИЛАДИ

“Reuters” агентлигининг хабарига кўра, Австралия армиясига генерал-лейтенант Сьюзан Койл июль ойидан бошлаб кўмондонлик қилади. Бу қарор мамлакат мудофаа тизимидаги муҳим ўзгариш сифатида баҳоланмоқда. Эътиборли жиҳати, эндиликда армияга, яъни 125 йил деганда илк бор аёл раҳбарлик қилади.



Австралия Бош вазири Энтони Альбанезе воқеани тарихий деб атади ва ушбу қарор аёллар учун янги имконият очишини таъкидлаган.

## МАРК ЦУКЕРБЕРГ ЎЗИНИНГ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ АСОСИДАГИ КЛОНИНИ ЯРАТМОҚДА

“Financial Times” нашрига таяниб, “The Verge” агентлиги хабарига кўра, “Meta” компанияси раҳбари Марк Цукерберг тез орада ходимлар билан мулоқот қиладиган ва уларга фикр-мулоҳазалар берадиган шахсий сунъий интеллект (СИ)га асосланган 3D клонига эга бўлиши мумкин.



Маълум қилинишича, “Meta” компанияси ҳозирда Цукербергнинг қиёфаси, овози, хулқ-атвори, оҳанги ва оммавий баёнотлари асосида махсус сунъий интеллект (СИ) аватарини ўқитмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ходимлар ушбу аватар билан мулоқот қилиш орқали компания асосчиси билан янада яқинроқ боғлиқлиқни ҳис қилишини таъминлашдир.

Агар Цукерберг билан боғлиқ ушбу тажриба муваффақиятли ўтса, “Meta” компанияси бошқа контент яратувчиларга ҳам ўзларининг СИ аватарларини яратишга руҳсат бериши мумкин.

Интернет материаллари асосида  
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

## МУАССИС:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

## O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAOFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV

## Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 437. 4005 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda